

Эхтиросли шоира, журналист, мушохаданавис, фаол жамоатчи, Ўзбекистон Республикаси халк ноиб, Республика Президентлик Кенгашининг аъзоси, «Саодат» ойномасининг бош мухаррири, Республика хотин-кизлар Кенгашининг раиси Халима Худойбердиева 1948 йили Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида оддий дехкод оиласида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатиб, 1968—1972 йиллар мобайнида Тошкент Давлат дорпфунунида таълим олган. Сўнгра «Саодат» ойномасида бўлим бошлиги, мухаррир ўринбосари вазифаларида ишлаган. 1975—1977 йилларда эса Москвадаги Олий Адабиёт курсида ўқиган. Ўқишдан кайтгач, 1978—1982 йилларда «Ёш гвардия» нашриётида бўлим бошлиги сифатида фаолият кўрсатган.

Унинг ижоди 60-йиллардан бошланган бўлиб, хозиргача йигирмага якин шеърий, публицистик асарлар тўплами нашр этилган. Унинг биринчи шеърий тўплами «Илк мухаббат» 1969 йилда нашр этилди. Шундан сўнг «Ок олмалар» (1973), «Чаман» (1974), «Суянч тоғларим» (1976), «Гордост» (1976), «Бобо куёш» (1977), «Иссик қор» (1979), «Белие яблочки» (1980), «Садокат» (1983), «Муқаддас аёл» (1988), «Юрагимнинг оғрик нукталари» (1991) каби шеърий, публицистик асарлар тўплами чоп этилди.

Шоира Халима Худойбердиева шеъриятининг мавзу ва маъно кўлами ниҳоятда кенг ва чуқурдир. Унинг шеърларида гўдак, аёл, ота-она, ер-сув, табиат ва тоғу тош ва қушлар тақдири, уларнинг яшаш тарзи, табиати, ҳолати ифодалангани деса бўлади. Яхлит ҳолда инсон, табиат ва жаният муаммоларининг деярли барча кўринишлари шоирани ҳаяжонга солади. Тупроқ, она ер ва инсон тақдири бир бутунликни ташкил этади. Шу боисдан ҳам у бир шеърида «Мен шу тупроқ куйчисиман» деб гурурлапади. Энг муҳими, шоир нима ҳақида, ким тўғрисида ёзмасин, кўпинча ички ёки ташқи, рухий ҳолатларни чизишдан кўра, ўй-мушоҳадалар зиддиятларини чизишга иштиёқ қучли. Шу боисдан бўлса керак, шоирани мушохаданавис адиба ҳам дейишади. Мана шу ҳолат ва шеъриятидаги соддалик, самимийлик китобхонни ҳам ўзига жалб этади:

Ўқувчим, тўқилди оғу билан бол,
Мен шеър деб атадим унинг отини.
Ҳаяжонли қунлар мевасини ол.
Ол, уйқусиз тунлар муқофотини.

Ҳа, шоиранинг барча шеърлари, тўпламлари ана шу дардли, ҳаяжонли қунлар ва тунлар мевасидир.

Халима фақат шоирагина эмас, оташнафас публицист ҳамдир. Айниқса, унинг «Юрагимнинг оғрик нукталари» тўпламига қирган барча асарларида замонамизнинг энг долзарб муаммолари ҳақида мушоҳада юритилади. Уларда Она, Аёл, Эзгулик, Болалик ва Келажак бош қаҳрамон сифатида намоён бўлади.

Халима Худойбердиева фақат оташнафас шоира, публицистгина эмас, моҳир таржимон сифатида ҳам баракали ижод қилмоқда. Хусусан, унинг Фазу Алиева, Силва Капутикян, Иброҳим Юсуповлардаи қилган таржималари эътиборлидир. Атоқли адиба Зулфия

сўзлари билан айтганда, Халима «Туйгу, ўйлар, тошкин хислар» билан тўла шеърият ижодкоридир. Унга «Мукаддас аёл» шеърий тўплами учун 1990 йилда Хамза номидаги Республика Давлат мукофоти берилди. 1992 йилда эса Ўзбекистон Республикаси халқ шоираси деган юксак унвонга сазовор бўлди.